

Катта Лангар Қуръони: Ҳақиқатми ёхуд афсона...



11:00 / 15.06.2019 4049

Катта Лангар Қуръони мавзусини теран тушуниш учун аввал Муқаддас Китоб, яъни Қуръони Карим тарихига назар ташлаш жоиз. У пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга Жаброил алайҳиссалом воситасида Аллоҳ томонидан нозил қилинган. Қуръони Карим Ислом динининг асоси, қонун-қоидалари, Аллоҳнинг ўз бандаларига нисбатан буйруқлари акс этган илоҳий китобларнинг [охиргисидир](#).

Қуръони Карим дастлаб Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга ваҳий келишига мос равишда, босқичма-босқич, оғзаки шаклда жамланган.

Қуръонни яхлит ҳажмда ёд олганларнинг сони қанча бўлгани тўғрисида олимларнинг фикрлари турлича. Айрим олимлар, Имом ал-Бухорийнинг ҳадисларидан бирига асосланган ҳолда, Қуръон ҳофизларининг сони 7 та бўлган деб ҳисоблаганлар. Яна бир ҳадисда Қуръонни ёддан билганларнинг сони тўртта, деб кўрсатилган, тарихчилар эса ўнлаб кишилар Қуръонни ёддан билганлар, деб ҳисоблайдилар. Тарихий ҳақиқат эса шундан иборатки, Расулulloҳ алайҳиссаломдан Қуръони Каримни тўлиқ ёд олганларнинг сони беҳисоб бўлган. Набий алайҳиссаломнинг вафотларидан кўп ўтмай содир бўлган Ямама яқинидаги жангларда ҳалок бўлганлар ичида етмишдан ортиқ қори саҳобаларнинг бўлгани ушбу фикрга далил бўла олади. Бу тўғрида имом Мовардий шундай дейди: «

Ушбу тўртликдан бошқа ҳеч ким Қуръони Каримни комил ёд олмаган, деб чегаралаш мумкин эмас. Зеро, саҳобалар турли шаҳарларга тарқаб кетган эдилар».

Айни пайтда Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом Қуръонни ёзма кўринишда сақлашга ҳам алоҳида эътибор қаратганлар. Қуръон нозил бўлаётган пайтда ҳали қоғоз муомалада бўлмаган. Набий алайҳиссаломга ваҳий кела бошлаши билан, саҳобалар қўл остиларида ёзувга яроқли нима топсалар, шунга сураларни ёзиб олганлар. Хусусан, дарахт пўстлоғи, матолар, тери, ясси тошлар, курак суяклари... Пайғамбаримиз вафотларидан сўнг ички қуролли низолар оқибатида кўплаб қориларнинг вафот этишлари оқибатида Қуръоннинг йўқолиб кетиш хавфи туғилган.

Шунда халифа Абу Бакр розияллоҳу анҳу саҳобалардан ҳайъат тузиб, уларнинг қўлларида сақланаётган суралар ва оятларни жамлатганлар ва китоб шаклига келтирганлар. Жамланган Қуръони Карим пайғамбаримизнинг бевалари Ҳафса розияллоҳу анҳога сақлаш учун топширилган. Учинчи халифа Усмон ибн Аффон пайтларида Қуръонни ўқиш, Қуръон тажвиди масалаларида ихтилофлар келиб чиққан. Чунки Қуръон турли ҳолатларда ҳар хил қоидаларга амал қилинган ҳолда ўқилган. Аҳвол шу даражага етиб борганки, мусулмонларнинг бирлигига раҳна туриши ҳолатлари келиб чиқа бошлаган. Шунда халифа Усмон ибн Аффон саҳобаларнинг қўлида сақланаётган Қуръон қисмларини, халифа Абу Бакр тўплатган китоб шаклидаги Қуръонни олиб келтиради ва яна ҳайъат тузиб, мукамал китоб ҳолида жамлайди.

Халифа Усмон жамлатган Қурон нусхаларининг бири Ўзбекистон мусулмонлари идорасида сақланади ва жуда кўпчилик олимларнинг фикрича, бу айнан асл, биринчи нусха ҳисобланади. Ушбу тарихий манбаларни айтиб ўтаётганимизнинг сабаби шуки, Аллоҳ бизни мана шундай буюк бир неъмат билан тақдирлаган.

Энди бевосита Катта Лангар Қуръони тақдирига эътибор қаратсак. Қашқадарё вилояти Қамаши туманида Катта Лангар қишлоғи бор, атрофи тоғли ҳудуд. Ана шу қишлоққа XIV аср бошларида дарвешлар, сўфийлар кўчиб келганлар. Муҳаммад Содиқ деган ўз замонининг машҳур тасаввуф шайхи шу томонларда қўним топиб, қишлоқ масжидига асос солади. Мазкур табаррук манзил аввал ҳам, ҳозир ҳам зиёратгоҳ вазифасини ўтаб келмоқда. Унда Муҳаммад Содиқнинг отаси ва ўғиллари ҳамда ўзларининг қабрлари бор. Маълумки, тасаввуф тарихида Яссавия, Кубравия, Нақшбандия каби сўфийлик тариқатлари бўлган. Биз зикр этаётган

қишлоқда эса Ишқия тариқатининг шайхлари фаолият юритганлар.

Кўпчилик учун кема лангарини англатадиган сўз, ўрта асрларда қароргоҳ, дарвешлар учун қурилган хонақо маъноларида қўлланилган. Соҳибқирон Амир Темур даврида дарвешлар, сўфийлар алоҳида эътибор билан эъзозланган ва улар учун махсус лангархоналар барпо этилган. Уларнинг аксарияти шажаралари Пайғамбар алайҳиссаломга ёки у кишининг куёвлари Ҳазрат Алига ёки набираларига бориб тақалади, дейилади. Ишқия шайхлари Аллоҳдан бошқа ҳеч кимга муҳаббат боғлаш мумкинмас, деган йўлни тутиб, асосан Яратганнинг зикри билан ҳаёт кечирганлар. Таассуфки, Катта Лангарга Ишқия шайхлари қаердан келиб қолишгани, уларнинг миллатлари номаълум. Йиллар, асрлар оралиғида шайхлар ўзбеклашиб, маҳаллий аҳоли билан қариндош бўлиб кетганлар. Баъзи манбаларда уларнинг ироқлик эканликларига ишоралар учрайди. Лекин илмий жиҳатдан ушбу тахминлар чуқур ўрганилмаган. Эътиборли томони шундаки, айнан Ишқия шайхлари ўзлари билан бирга Катта Лангар Қуръони деб аталаётган Қуръонни олиб келишган. Ушбу муқаддас китоб Иккинчи жаҳон урушидан олдин ҳам, кейин ҳам олимлар томонидан маълум даражада тадқиқ этилган. Таъкидланишича, урушдан олдин Қуръон тўлиқ, яъни 498 саҳифадан иборат бўлган. Кейинчалик саҳифаларнинг сони камайиб боргани тасдиқланган. 2003 йилда Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонасининг маданият масалалари бўйича маслаҳатчиси Пьер Шювен деган олим Дин ишлари бўйича кўмитага Катта Лангар қишлоғидаги Қуръон саҳифалари йўқолиб кетаётганини маълум қилади. Тез фурсатда олим ва уламо Абдураззоқ Юнусов (Аллоҳ раҳмат қилсин, ўша пайтлар мусулмонлар идораси раиси ўринбосари вазифасида эдилар) хизмат сафарига юборилади. У киши қишлоқ аҳли билан маслаҳатлашиб, уларнинг розилигини олиб, Қуръоннинг қолган 12 саҳифасини Тошкентга олиб келади. Ҳозир Лангар қишлоғида айнан шу 12 саҳифанинг хаттотлар томонидан кўчириб берилган нусхаси сақланмоқда. Асл нусха эса Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг музейида махсус шароитларда асраб келинмоқда.

Катта Лангар Қуръонининг яна бир саҳифаси Ўзбекистон Фанлар академиясининг қўлёзмалар институтида, бир алоҳида саҳифа Мусулмонлар идораси кутубхонасида, яна икки саҳифа Бухоро ўлкашунослик музейида сақланмоқда. Бухородаги саҳифалар ўз вақтида амирнинг ўғлига тегишли кутубхонадан музейга олинган. Шундай қилиб, юртимизда жами 16 саҳифа Катта Лангар Қуръони деб аталган ноёб Қуръон қўлёмаси сақланади. 1998 ва 2003 йиллари Санкт-петербурглик

қуръоншунос олим Ефим Ризван уни тадқиқ қилади ва Голландияда рентген углерод таҳлилидан ўтказди. Аниқланишича, мазкур Қуръон VIII-IX асрларга тегишли экан. Россиянинг Шарқшунослик қўлёзмалар институтида Катта Лангар Қуръони деб аталган Қуръоннинг 81 саҳифаси борлиги маълум. Айрим мутахассислар Катта Лангар Қуръонининг 81 саҳифасини машҳур шарқшунос олим Крачковский Россияга олиб кетган, деган фикрни илгари сурадилар. Аслида, тарихий маълумотларга кўра, ўтган асрнинг 30-йилларидаги очарчилик даврида Нофаль исмли ливанлик арабнинг беваси Қуръон саҳифаларини Крачковскийга сотган. Унинг эри октябрь инқилобидан аввал Россия Мудофаа вазирлигида араб тилидан сабоқ берган. Мантиқий хулоса шуки, нусхаларни Санкт-Петербургга Нофаль олиб келган, у ҳам кимдандир сотиб олган ёхуд унга кимдир асраб қўйиш учун берган бўлиши мумкин. Ливанлик арабнинг Ўзбекистонга келиши ҳақиқатга тўғри келмайди. Ҳеч қайси манбада бу ҳақда маълумот йўқ. Энг қизиғи, Франция миллий кутубхонасида худди шундай ўлчамларда, худди шундай ёзувда Қуръон саҳифалари сақланмоқда. Унинг бир қисмини Наполеон Бонапарт Мисрни босиб олган чоғида, фаранглар консули коллекция йиғиш мақсадида харид қилади. Ватанига қайтгач, Франция миллий кутубхонасига топширади. Париж миллий кутубхонаси, Петербург қўлёзмалар институти ва биздаги саҳифалар бир-бирини тўлдирди. Бизда бор қўлёзма саҳифалари уларда йўқ, улардаги саҳифалар бизда йўқ. Катта Лангар Қуръони ҳақидаги тарихий маълумотлар мана шулардан иборат.

Ҳозир “Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида” лойиҳаси асосида юртимиз илмий-тарихий ва маданий ёдгорликларининг чет эл коллекцияларидаги асл манбалари ўрганилмоқда. Биз лойиҳа раҳбари Фирдавс Абдуҳолиқов билан изчил ва фаол ҳамкорлик қилмоқдамиз. Мамнуният билан қайд этамизки, Санкт-Петербургдаги ҳамда биздаги саҳифаларни қўшган ҳолда Катта Лангар Қуръонининг факсимиле нусхаси яратилди. Факсимиле нусхалар соҳа илмий текшириш муассасаларига топширилди.

Шу ўринда бошқа бир қизиқарли маълумотга тўхталиб ўтсак. Англиянинг Бирмингем шаҳрида XX аср охирларида бир аспирант йигит тасодифан кутубхонадан икки саҳифа Қуръонни топиб олади. Қизиғи, ёзув усули ва ўлчами бир хил бўлишига қарамай, улар Катта Лангар Қуръони саҳифалари эмас, Усмон Қуръонига ҳам мос келмайди. Бу икки саҳифа олимлар томонидан қайта-қайта текширилди. Жумладан, ўтган йил Бирлашган Араб Амирлигининг қўлёзмалар марказидан экспертлар

атрофлича ўрганишди. Саҳифалар халифа Абу Бакр даврида ёзилган бўлиши ва Усмон Қуръонидан ҳам, Катта Лангар Қуръонидан ҳам қадимийроқ эканлиги тўғрисида фикрлар билдирилди. Лекин Бирмингемдаги Қуръон билан Катта Лангар Қуръони саҳифалари, албатта, қиёсий ўрганилиши керак, негаки, иккала Қуръон ҳам ҳижозий ёзувида битилган. Шу боис илм аҳлини катта ишлар кутиб турибди.

Усмон Қуръони ҳамда Катта Лангар Қуръонининг юртимизга келиб қолганлигининг ўзи илоҳий мўъжиза. Ана шундай улуғ мукофотга сазовор бўлганлигимиз юртимизга берилган барака ва фаровонликдан далолатдир. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган Ислом цивилизацияси марказига тарихимиз, аجدодлардан қолган буюк илмий-маърифий меросни тадқиқ қилиш, уни асраб-авайлаш ва тарғиб қилиш вазифаси юклатилган. Мамлакатимизда сақланаётган Қуръони Карим қўлёзмалари ҳам ана шу мероснинг таркибий қисми сифатида тадқиқ қилинмоқда.

Ислом цивилизацияси маркази директори

Шоазим МИНОВАРОВ